

Бундан буён “ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” деб аталувчи “ME’MOR PROJEKT” МЧЖ номидан низом асосида фаолият олиб боровчи А.Қобилов (2022 йил 05 октябрдаги 154763-сонли лотга асосан) бир томондан ва бундан буён “ХАРИДОР” деб аталувчи Республика Олимпия ва паралимпия захиралари коллежи номидан Устав асосида фаолият олиб боровчи А.Мамадалиев бошқа томондан, ушбу контрактни куйидагилар тўғрисида туздилар.

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартномага асосан Етказиб берувчи куйидагиларни етказиб беради:

№	Товарларнинг номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи (ҚҚС билан)	Умумий киймати (ҚҚС билан)
1.	Колонный кондиционер Artel ART-100 FS, ўрнатиши билан	тўплам	2	49000000	98000000
	Жами:				98000000

1.2. Шартноманинг умумий суммаси Тўксон саккиз миллион сўм, (ҚҚС-12782608 сўм 70 тийин)ни ташкил қилади.

### 2. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ШАРТЛАРИ

2.1. “Харидор” мазкур контрактни ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 календар куни ичида қонунчиликка мувофиқ, контракт умумий суммасидан 30% микдорида (шартнома суммасидан 30% микдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни товарни олгандан сўнг (қабул қилиш-топшириш далолатномаси, ҳисоб-фактура ва в.б. асосида) 90 календарь кунигача тўлайди.

2.2. “Етказиб берувчи” аванс маблағлари Етказиб берувчининг тегишли ҳисобварағига келиб тушган вақтдан бошлаб 10 календар куни ичида товарни етказиб бериш мажбуриятини олади.

2.3. “Етказиб берувчи” амалдаги ГОСТ га мувофиқ товарни етказиб бериши шарт.

2.4. “Харидор” товарларни қабул қилишда “Етказиб берувчи” иштирокида олинаётган товарларнинг тўлиқлигини ва сифатини савдоларни ўтказиш тўғрисидаги эълонда (буюртманномада) кўзда тутилган бошқа талабларга мувофиқлигини текшириши шарт.

2.5. Агар мазкур контракт билан бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, товарларни ташиш ва тушириш бўйича барча харажатлар Етказиб берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

2.6. Харидорнинг розилигига кўра товар муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин.

2.7. Етказиб берилган товар бевосита Харидорнинг масъул ходимлари томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади ва унда етказиб берилган товарларнинг микдори, унинг сифати кўрсатилади.

2.8. Мазкур контрактда кўзда тутилган товарларни етказиб бериш, мазкур контрактга мувофиқ амалга оширилади.

### 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 3.1. Харидорнинг ҳуқуқлари:

Етказиб берувчидан Контрактни бажариш учун зарур бўлган давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Харидор ҳисобидан товарлар ташиб келтирилганда, Етказиб берувчидан транспорт харажатларини қоплаб беришни талаб қилиш, агар мазкур контрактнинг шартларида бошқа ҳоллар белгиланмаган бўлса;

Етказиб берувчидан жойлаштирилган буюртманомага кўра мазкур контрактга мувофиқ, тегишли сифат, ассортимент бўйича товарларни етказиб беришни талаб қилиш;

Сифатсиз товар етказиб берилганда ўз ихтиёрига кўра қуйидагилардан бирини талаб қилиш:

- тегишли сифатдаги шунга ўхшаш товар билан алмаштириб бериш;
- камчиликларни беғараз бартарф этиш;
- Етказиб берувчидан мазкур контракт шартларини бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш.

#### 3.2. Харидорнинг мажбуриятлари:

- мазкур контрактга мувофиқ ўзининг жойлаштирган буюртманомаси бўйича етказиб берилган товарларни қабул қилиш;
- товарларнинг қийматини мазкур контрактда белгиланган нархда ва муддатда тўлаш.

#### 3.3. Етказиб берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- “Харидордан” олдиндан тўлов ва етказиб берилган товарлар учун якуний ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда ва ҳажмларда амалга оширишни талаб қилиш;
- Харидордан жойлаштирган буюртманомага мувофиқ, етказиб берилган товарларни асоссиз равишда қабул қилмаслик натижасида етказилган зарарларни қоплаб беришни талаб қилиш.

#### 3.4. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

- Харидорга товарларни мазкур контрактга мувофиқ белгиланган муддатда, миқдорда ва сифатда етказиб бериш;
- агар товарларни етказиб бериш жараёнида Етказиб берувчи контракт шартлари ва меъёрлардан ва/ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигидан четга чиқишга йўқ қўйган ҳолларда Харидорнинг талаби бўйича \_\_\_ - кун муддат ичида барча аниқланган камчиликларни беғараз бартараф этиш.

3.5. Мазкур контракт белгиланган тартибда мазкур контракт шартлари ва талаблари ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.6. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда контракт бажарилган ҳисобланади.

### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

#### 4.1. Харидор:

- тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги;

- томонлар ўртасидаги контракт мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Товарлар танлаб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, етказиб берувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу товарлар мавжудлигининг кафолатларини тақдим этган ҳолда, танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва хоказо) учун Харидор маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Харидор етказиб берувчига етказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.4. Етказиб берувчи:

- тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- тузилган контракт шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.5. Агар етказиб берилган товарлар сифати, ассортимент ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (Харидор) товарларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортимент ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.6. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, товар етказиб берувчи сотиб олувчига (Харидорга) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган

ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва баҳсларни ҳал этиш учун бевосита иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иқтисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга қелганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлик озод бўладилар.

6.2. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган ҳақиқатда, олдини олиб бўлмайдиган ва қутилмаган ҳолатлар киради.

6.3. Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу ҳақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.4. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

## 8. КОНТРАКТНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур контракт ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. "31" декабригача амал қилади.

8.2. Контрактнинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда контракт бажарилган ҳисобланади.

8.3. Контрактнинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР



9.1. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қуйидагиларни кафолатлайди:



- қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини;
- шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини;
- моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.

9.2. Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.3. Тарафлар бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш содир этилишига йўл қўймайди. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

## 10. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Ўтказиб берувчи:
<b>Ташкилот номи:</b> “МЕ’МОР-ПРОЕКТ” МСНҲ
<b>Манзил:</b> Жиззах ш. Тўқимачилар к. 90
<b>Телефон:</b> +99899-194-77-72;
<b>Р/с:</b> 2020 8000 9053 8786 9001
<b>Банк:</b> Асакабанк Жиззах филиали
<b>МФО:</b> 00140
<b>ИНН:</b> 308 478 585;
<b>ОКЭД:</b> 41100;
<b>Раҳбар</b> _____ (директор):


_____ (ИМЗО)

<b>Харидор:</b>
<b>Ташкилот номи:</b> _____
<b>Манзил:</b> <u>Р.О. ВАП.З.К.</u> Л/С: 100010860262947092600135001
<b>Телефон:</b> <u>ИНН 200795003 ОКОНХ 92310 ОКЭД 85320</u> <u>УЗБ. РЕС. МОЛЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ГАЗНАЧИЛИГИ</u>
<b>Факс:</b> <u>Р/С 2340 2000 3001 0000 1010 ИНН 201122919</u> <u>МФ000014МАРКАЗИЙ БАНК ТОШКЕНТ.Ш ХККМ</u>
<b>СТИР коди:</b> _____
<b>ОКОНХ:</b> _____
<b>Буюртмачининг</b> _____ <b>Ғазна</b> _____ <b>шахсий</b> _____
<b>ҳисобварағи:</b> _____
<b>Ғазначилик бўлинмаси номи:</b> _____
<b>ИНН рақами (ғазна):</b> _____
<b>Ягона Ғазначилик ҳисобварақлари (ЯҒХ):</b> 23402000300100001010
<b>Раҳбар</b> _____ (директор):


_____ (ИМЗО)

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 154763 на приобретение Кондиционер с установками

Способ проведения электронный

Дата 05.10.2022

Время рассмотрения 05.10.2022 18:27

Закупочная комиссия Республика олимпия захиралари коллежи, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Член комиссии</b>	MAMASHAKIROV SANJAR SAIDMURADOVICH	Зам. директора по ХЧ	РКОПР
<b>Секретарь комиссии</b>	UMAROV ELDOR AKRAM O'G'LI	Бухгалтер	РКОПР
<b>Председатель комиссии</b>	MAMADALIYEV ABROR AKBARJONOVICH	Директор	РКОПР
<b>Член комиссии</b>	SATTOROV SIROJIDDIN SALOM O'G'LI	Инженер по КЖУ	РКОПР
<b>Член комиссии</b>	NUXRIDINOV FAXRIDDIN UMRIDINOVICH	Зам. директора по ДПР	РКОПР
<b>Член комиссии</b>	NURMATOV ABDUMANNOP ABDUVAXOBOVICH	Зам. директора по учебной части	РКОПР

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 05.10.2022 года № лота 154763.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Кондиционер бытовой</b>
Подробное описание	Кондиционер бытовой (28.25.12.130-00001)
Количество товара	2.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	50 000 000.00
Стартовая сумма	100 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Объектни жойига чиқиб кўрилганлиги ҳақида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектни жойига чиқиб кўрилганлиги ҳамда худуд билан танишганлиги тўғрисида кафолат хати. (Расмлари илова қилинсин).

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QUALITY DEVICE BUSSINES	20	to liq ma lumot ta qdim	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Иштирокчи томонидан объектни

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>MCHJ</b>		etildi				жойига чиқиб кўрилмаганлиги ҳамда ҳудуд билан танишганлиги тўғрисида қафолат хати мавжуд эмас. Расмлари илова қилинмаган.
<b>OOO GOLDEN CITY STROY</b>	20	Объектни жойига чиқиб кўрилди	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Маълумотлар мавжуд эмас.
<b>AL-BARAKA XF</b>	20	20	20	Экспертная		
<b>"ME'MOR-PROJECT" MCHJ</b>	20	20	20	Экспертная		

Критерий №2 Банк маълумотномаси (K2).

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқ ва бошқа мажбурий туловлардан қарздорлиги йуқлиги туғрисида.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>QUALITY DEVICE BUSSINES MCHJ</b>	20	toлиq malumot taqdim etildi	15	Экспертная		
<b>OOO GOLDEN CITY STROY</b>	20	Солиқ ва бошқа мажбурий туловлардан қарздорлиги йуқ	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Банк маълумотномаси мавжуд эмас. Солиқ маълумотномаси танловдан олдинги санадан олинган.
<b>AL-BARAKA XF</b>	20	20	15	Экспертная		
<b>"ME'MOR-PROJECT" MCHJ</b>	20	20	20	Экспертная		

Критерий №3 Қафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектга товарларни ўз вақтида етказиб беришга бўйича Қафолат хати, Коорупция ҳолатига йўл қўймасликка маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QUALITY DEVICE BUSSINES MCHJ	20	toliq malumot taqdim etildi	20	Экспертная		
OOO GOLDEN CITY STROY	20	Объектга товарларни ўз вақтида етказиб беришга ва коррупцияга йол коймасликка кафолат берамиз	10	Экспертная		
AL-BARAKA XF	20	20	10	Экспертная		
"ME'MOR-PROJECT" MCHJ	20	20	10	Экспертная		

Критерий №4 Молиявий кўрсаткичлари

Тип: Текстовое значение

Описание: Охирги баланс хисоботи

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QUALITY DEVICE BUSSINES MCHJ	20	toliq malumot taqdim etildi	20	Экспертная		
OOO GOLDEN CITY STROY	20	йиллик пул айланмаси 1 млрд дан коп	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Охирги баланс хисоботи мавжуд эмас.
AL-BARAKA XF	20	20	20	Экспертная		
"ME'MOR-PROJECT" MCHJ	20	20	20	Экспертная		

Критерий №5 Иштирокчи хакида умумий маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Гувохнома ҳамда ҚҚС гувоҳномаси

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QUALITY DEVICE BUSSINES MCHJ	20	toliq malumot taqdim etildi	20	Экспертная		
OOO GOLDEN CITY STROY	20	ККС толовчиси	20	Экспертная		
AL-BARAKA XF	20	20	15	Экспертная		
"ME'MOR-PROJECT" MCHJ	20	20	15	Экспертная		



Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
AL-BARAKA XF	100 000 000.00	99 500 000.00 UZS	99 500 000.00	00.00	99 500 000.00	04.10.2022 17:07:44	19.69849
"ME'MOR-PROJECT" MCHJ	100 000 000.00	98 000 000.00 UZS	98 000 000.00	00.00	98 000 000.00	04.10.2022 17:12:44	20

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО GOLDEN CITY STROY	Не прошел	Не прошел	Не прошел
AL-BARAKA XF	64	19.69849	83.69849
QUALITY DEVICE BUSSINES MCHJ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
"ME'MOR-PROJECT" MCHJ	68	20	88

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 154763 от 05.10.2022 года на приобретение Кондиционер с установками определила победителем:

"ME'MOR-PROJECT" MCHJ  
308478585

и резервный исполнитель: AL-BARAKA XF (203699887)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	MAMADALIYEV ABROR AKBARJONOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SATTOROV SIROJIDDIN SALOM O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	NUXRIDINOV FAXRIDIN UMRIDINOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	NURMATOV ABDUMANNOP ABDUVAXOBOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MAMASHAKIROV SANJAR SAIDMURADOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

4157913



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ME'MOR-PROJECT" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ME'MOR-PROJECT" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

08.05.2021

988556

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

308478585

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Jizzax viloyati, Jizzax shahri, A.Navoiy ko'chasi,

Guvohnoma:

Jizzax viloyati, Jizzax shahri, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organing to'liq nomi):





**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
DAVLAT SOLIQ QO'MITASI**

**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ НАЛОГОВЫЙ КОМИТЕТ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**QO'SHILGAN QIYMAT SOLIG'I SOLIQ TO'LOVCHISI SIFATIDA RO'YXATDAN  
O'TGANLIGI TO'G'RISIDA  
GUVOHNOMA**

**СВИДЕТЕЛЬСТВО  
О РЕГИСТРАЦИИ В КАЧЕСТВЕ НАЛОГОПЛАТЕЛЬЩИКА НАЛОГА НА  
ДОБАВЛЕННУЮ СТОИМОСТЬ**

**QQS RO'YXAT RAQAMI  
РЕГИСТРАЦИОННЫЙ НОМЕР НДС 308120166435**

Mazkur guvohnoma QQS soliq to'lovchisi sifatida hisobga qo'yilganligi va QQS shaxsiy ro'yxatga olish raqami berilganligini tasdiqlaydi

Настоящее Свидетельство подтверждает постановку на регистрационный учет в качестве налогоплательщика НДС и присвоения индивидуального регистрационного номера НДС

Soliq to'lovchining nomi  
Наименование налогоплательщика

**ООО "МЕ'MOR-PROJECT"**

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami  
Идентификационный номер налогоплательщика

**308478585**

Shaxs QQS soliq to'lovchisi bo'lgan sana  
Дата с которой лицо становится плательщиком  
НДС

**01.08.2021**

Ro'yxatdan o'tish sanasi  
Дата регистрации

**05.08.2021**



Ma'lumotnomada ko'rsatilgan ma'lumotlar to'g'riligini tekshirish uchun mobil telefon yordamida QR-kodni skaner qiling.  
Отсканируйте QR-код при помощи мобильного устройства для проверки подлинности информации.

Республика Олимпия ва паралимпия захиралари коллежининг Давлат хариди буйича комиссиясининг йигилиши

БАЁННОМАСИ № 13

Тошкент шаҳри

« 10 » 10 2022 й.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ва марказининг 2022 йил 03 январдаги №01-сонли буйруғи асосида тайинланган комиссия таркиби:

Йигилиш раиси: Республика Олимпия ва паралимпия захиралари коллежи директори Мамадалиев А.А.

Йигилиш котиби: Коллеж ҳисобчиси Умаров Э.А.

Давлат харидлари буйича комиссия аъзолари:

Ўқув ишлари буйича директор ўринбосари А. Нурматов

Хўжалик ишлари буйича директор ўринбосари С. Мамашакиров

ММ буйича директори ўринбосари в.в.б. Ф. Нухриддинов

Бино ва иншоотлар муҳандиси С.Сатторовлар иштрокида давлат харидлари буйича комиссия йигилиши утказилди.

**КУН тартиби:**

Республика Олимпия ва паралимпия захиралари коллежининг Давлат хариди буйича комиссиясининг 2022 йил 05 октябрдаги “Энг яхши таклифга” куйилган 154763-сонли лот ракам билан куйилган Колонный кондиционерларни сотиб олиш ва ўрнатиб бериш хизмати буйича баённомани муҳокама қилиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонунининг 7-боб 62-модда ҳамда Республика Олимпия ва паралимпия захиралари коллежининг 05 октябрдаги баённомаси белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида йигилиш.


**ЙИГИЛИШ ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Давлат харидларининг электрон тизимга муҳокама қилиш учун икки иш куни ичида танлаш иштрокчилари томонидан танлов ўтказиш натижалари буйича эътирозлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
2. Республика Олимпия ва паралимпия захиралари коллежининг директори, комиссия раиси (А.А.Мамадалиев), комиссия аъзолари ўқув ишлари буйича директор ўринбосари (А. Нурматов), хўжалик ишлари буйича директор ўринбосари (С. Мамашакиров), ММ буйича директори ўринбосари в.в.б. (Ф.

Нухриддинов)лар «MEMOR PROJECT» МЧЖ корхонаси билан 98 000 000 (тўқсон саккиз миллион) сўмга ҚҚС билан шартнома тузишга қарор қилди.


3. Республика Олимпия ва паралимпия захиралари коллежининг Харид комиссияси котиби коллеж ҳисобчиси (Умаров Э.А.) муҳокама натижалари тўғрисида ахборот асосида Харид комиссиясининг тегишли мажлис баённомаси ҳамда шартнома имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида Давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилсин.

4. Ушбу баён қарори бажарилишини назорат қилишни ўз зимамда қолдираман.

Йигилиш раиси: Республика Олимпия ва паралимпия захиралари коллежи  
директори  А.А.Мамадалиев

Давлат харидлари буйича комиссия аъзолари:


Ўқув ишлари буйича директор ўринбосари

 А. Нурматов


Хўжалик ишлари буйича директор ўринбосари

 С. Мамашакиров

ММ буйича директори ўринбосари в.в.б.


 Ф. Нухриддинов

Бино ва иншоотлар муҳандиси

 С.Сатторов

Йигилиш котиби:

Коллеж ҳисобчиси

 Умаров Э.А

